**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**УСМОНОВ МАНСУРБЕК МУХАММАДЖОНОВИЧ**

# ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2026 йил**

**УЎК: 347.963:336.225.2(575.1)**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Content of the dissertation abstract for the Doctor of Philosophy (PhD) degree**
**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)**


**Усмонов Мансурбек Мухаммаджонович**
Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш..... 3

**Усмонов Мансурбек Мухаммаджонович**
Совершенствование организационно-правовых основ прокурорского надзора за исполнением законодательства в органах государственной налоговой службы……... 25

**Usmonov Mansurbek Muhammadjonovich**
Improving the Organizational and Legal Foundations of Prosecutorial Supervision over the Implementation of Legislation in State Tax Service Bodies…… 47

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of Published Works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**УСМОНОВ МАНСУРБЕК МУХАММАДЖОНОВИЧ**

# ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2026 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Yu1652 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Комилов Авазбек Бокижонович**<br>юридик фанлар доктори, доцент |
| **Расмий оппонентлар:** | **Махмудов Алишер Абдусалимович**<br>юридик фанлар доктори, профессор в.б. |
| | **Саидов Шохруххон Музаффаржонович**<br>юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) |
| **Етакчи ташкилот:** | **Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 25 ноябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (106-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2026 йил 13 ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 13 ноябрь кунидаги 25-рақамли реестр баённомаси).

**М.А.Аминжонова**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Х.А.Кучкаров**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.С.Одинаев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда солиқ маъмуриятчилиги давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бюджет даромадларини шакллантириш ҳамда иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг муҳим институционал механизми ҳисобланади. Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси тадқиқотларида ички даромадларни сафарбар этиш ва самарали солиқ маъмуриятчилиги барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини молиялаштиришнинг муҳим шарти сифатида баҳоланади[1]. Солиқ мажбуриятларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши билан бир қаторда, давлатнинг бюджет манфаатлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш зарурати солиқ органлари фаолиятида қонунийлик механизмларини такомиллаштиришни долзарб вазифага айлантиради.

Жаҳонда солиқ маъмуриятчилигида рақамли технологиялардан фойдаланиш, маълумотларни автоматлаштирилган тарзда солиштириш, хавфларни таҳлил қилиш ва назорат тадбирларини риск даражасига қараб устуворлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 58 та юрисдикция тажрибасини қамраб олган махсус тадқиқотида солиқ маъмуриятчилигини рақамли трансформация қилиш ва маълумотларга асосланган бошқарув замонавий солиқ органлари фаолиятининг асосий ривожланиш йўналишларидан бири сифатида кўрсатилган[2]. Айни пайтда, Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг прокурорларга оид Европа нормалари ва принципларини белгилаб берувчи Рим хартиясида прокурорлар қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашиши, жамият манфаатларини кўзлаб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилган ҳолда фаолият юритиши лозимлиги белгиланган[3]. Шунга кўра, солиқ органлари фаолиятида замонавий ахборот-таҳлил воситаларидан фойдаланиш билан бирга, прокурор назоратининг ҳуқуқий чегараларини аниқ белгилаш, қонун бузилиши хавфларини эрта аниқлаш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш долзарб илмий-амалий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, уни рақамлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги «Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-95-сон Фармони билан

[1] World Bank. The Global Tax Program. URL: https://www.worldbank.org/en/programs/the-global-tax-program

[2] OECD. Tax Administration 2024: Comparative Information on OECD and Other Advanced and Emerging Economies. Paris: OECD Publishing, 2024. DOI: https://doi.org/10.1787/2d5fba9c-en

[3] Consultative Council of European Prosecutors (CCPE). Opinion No. 9 (2014) on European norms and principles concerning prosecutors (“Rome Charter”), adopted on 17 December 2014. Council of Europe. URL: https://rm.coe.int/168074738b

2030 йилга қадар Жаҳон банкининг «Business ready» рейтингида солиқ йўналиши бўйича биринчи даражага чиқиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устуворлиги принципини қўллаш орқали солиқларни ихтиёрий тўлаш улушини 98 фоизга етказиш, солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва юқори хавфларни икки баробар камайтириш, жами солиқ тушумлари миқдорини икки баробарга ошириш ҳамда солиқ хизматлари сифатини яхшилаш ва солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш асосий мақсадлар сифатида белгиланди[1]. Шунингдек, «Рақамли прокуратура – 2030» стратегиясининг тасдиқланиши эса прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш ва назорат жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш учун янги ташкилий-ҳуқуқий асосларни белгилаб берди[2].

Бироқ, соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларга қарамай, ҳуқуқни қўллаш амалиёти солиқ органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳамон сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Чунончи, прокуратура органлари томонидан ушбу йўналишда ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишлар 2025 йилда 2023 йилга нисбатан 2 790 тага ёки 27 фоизга ошган (*2026 йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан текширувлар 14 фоизга ортган*)[3]. Шунингдек, 2024-2025 йилларда маъмурий судларда солиқ органларининг 4 383 та қарори кўриб чиқилиб, улардан 1 856 таси ёки 42 фоизи ҳақиқий эмас деб топилган[4]. Мазкур ҳолатлар солиқ органлари фаолиятида қонунийлик билан боғлиқ тизимли муаммолар ҳануз сақланиб қолаётганлигидан далолат беради. Бу эса давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини комплекс таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда назорат самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-назарий қоидалар, қонунчиликка таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги (1997), «Прокуратура тўғрисида»ги (2001) қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Рақамли прокуратура – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2025), «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2026), «Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги «Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-95-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2026 й., 06/26/95/0508-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ««Рақамли прокуратура – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-204-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.11.2025 й., 06/25/204/1013-сон.

[3] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ягона ҳисоботлар портали//https://newreport.bp.gov/

[4] Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил 10 сентябрдаги 07-13/26-86572-сон хати ва унга илова қилинган маълумотлар.

такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2026) фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқот объекти сифатида илк марта ўрганилди. Мавзунинг баъзи жиҳатлари миллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан бирмунча ўрганилган. Жумладан, прокурор назоратининг илмий-назарий асослари У.А.Ахунов, И.Б.Джураев, А.Б.Комилов, О.М.Мадалиев, Б.Х.Пўлатов, прокурор назоратига замонавий технологияларни жорий этиш масалалари М.М.Бобоев, Ш.Б.Жумаев, М.М.Мамасиддиқов, солиқ органларининг шаклланиши, маъмуриятчилиги, назорати ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари А.С.Жўраев, О.Р.Мейлиев, Б.А.Норматов, Н.Х.Обломуродов, Ғ.А.Сафаров, Э.Т.Хожиев, А.Х.Худаёров ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган[1].

МДҲга аъзо давлатларда солиқ соҳасида прокурор назорати, ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш, давлат органлари ўртасида ахборот алмашинуви ҳамда назорат фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари Т.И.Абдреев, А.Ю.Винокуров, Ж.Н.Идилова, А.Х.Исхаков, А.Х.Казарина, В.А.Козлов, С.И.Коряченцова, Е.А.Куницына, О.И.Лютова, И.В.Михеева, Б.А.Назаренко, Н.В.Рубан, В.Н.Титова, В.Б.Ястребов каби бир қатор олимлар томонидан илмий жиҳатдан ўрганилганлиги диссертация мавзуси доирасидаги муаммоларнинг долзарблиги ва уларга нисбатан илмий қизиқиш юқори эканлигини кўрсатади[2].

Шунингдек, E.Bassey, E.Mulligan (Ирландия), E.Guglyuvatyy (Австралия), L.A.Malvárez Pascual (Испания), A.Ojo (Канада) каби хорижий олимлар томонидан солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, сунъий интеллектдан фойдаланиш, автоматлаштирилган қарорлар ҳамда солиқ тўловчилар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ўрганилган[3].

Мамлакатимизда давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, унинг объекти ва предмети, назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш механизмлари, соҳада қонунийлик аҳволини баҳолаш ҳамда рақамли прокурор назоратининг ҳуқуқий чегараларини ўзаро боғлиқ

[1] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[2] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[3] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ҳолда қамраб олган махсус монографик тадқиқот ҳозирга қадар амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид тадқиқот режасига (2024-2026 йй) мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, объекти, предмети, мақсади ва вазифаларини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларга муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш;

мазкур соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тизимлаштириш, уларнинг норматив, ташкилий ва ҳуқуқни қўллаш жиҳатларини очиб бериш ҳамда амалдаги қонунчиликдаги ҳуқуқий номувофиқликларни аниқлаш;

Ўзбекистонда давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ маъмуриятчилигининг шаклланиши ҳамда тарихий-тадрижий ривожланишини тадқиқ этиш, мазкур жараёнларнинг прокурор назоратига таъсирини аниқлаш;

солиқ органлари фаолиятидаги қонунийлик ҳолати ва прокурор назорати амалиётини таҳлил қилиш, тизимли қонунбузилишлар ҳамда назоратнинг натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни аниқлаш;

прокурор назоратини ташкил этиш билан уни бевосита амалга ошириш ўртасидаги назарий ва амалий фарқларни асослаш, назоратни ташкил этиш шакллари ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

давлат солиқ хизмати органларида прокурор назоратини бевосита амалга оширишнинг босқичлари, ҳуқуқий чегаралари ва солиқ органлари ваколатларидан келиб чиқадиган текшириш мезонларини ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда солиқ соҳасида прокуратура органларининг иштироки ва назорат моделларини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда миллий ҳуқуқ тизими учун мақбул механизмларни аниқлаш;

рақамли прокурор назоратининг ҳуқуқий табиати ва чегараларини асослаш, ахборот тизимлари интеграцияси, масофавий мониторинг ва сунъий интеллектдан ахборот-таҳлил воситаси сифатида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижалари асосида қонунчилик, идоравий ҳуқуқий ҳужжатлар ва прокурор назорати амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунчилик ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар, прокуратура ва солиқ органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш тажрибаси, шунингдек прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш, рақамли назорат ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланишга оид назарий ёндашувлар ва илмий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий-ҳуқуқий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий таҳлил, социологик сўров, статистик таҳлил, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва суд органларининг расмий маълумотларини ўрганиш, ҳужжатларни қиёслаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганлиги учун белгиланган молиявий санкцияни бекор қилиш зарурлиги асослантирилган;

мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун бир қилмишга нисбатан молиявий ва маъмурий жавобгарлик чораларининг такроран қўлланилишини бартараф этиш мақсадида ушбу қилмиш учун назарда тутилган маъмурий жавобгарлик чораларини бекор қилиш лозимлиги илмий асосланган;

Бош прокуратуранинг Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида назорат бошқармасининг назорат ва ўзаро ҳамкорлик объектлари қаторига бозорлар ва савдо комплекслари, солиқ ҳамда молия органларини киритиш зарурлиги илмий асослантирилган;

давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг устувор вазифалари, назорат объектлари, прокурор текширишига жалб этиладиган мутахассислар доираси ҳамда текширишда ўрганилиши лозим бўлган масалаларни белгилашга қаратилган илмий-услубий ёндашув ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг объекти, предмети ва назорат чегаралари аниқлаштирилган;

соҳада прокурор назоратини ташкил этиш билан уни бевосита амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан фарқланиши асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги соҳавий буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган;

давлат солиқ хизмати органларида прокурор текширувини объектнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда манзилли ташкил этиш, текширишга тайёргарлик кўришда таҳлил қилинадиган маълумот ва ҳужжатлар, текширишда ўрганиладиган асосий масалалар, жалб этиладиган мутахассислар ҳамда амалга ошириладиган текшириш ҳаракатларини ягона услубий ёндашув асосида комплекс белгилашга қаратилган Намунавий текшириш дастури ишлаб чиқилган;

солиқ органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатларда (*Германия, Франция, Хитой, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқалар*) прокуратуранинг солиқ соҳасидаги иштироки ва назорат моделлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, уларнинг айрим илғор тажрибаларини миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш имкониятлари асосланган;

«Soliq sohasida raqamli prokuror nazorati» махсус модулининг ташкилий-ҳуқуқий механизми, шунингдек уни амалиётга жорий этиш ва ахборот алмашинувини тартибга солишга қаратилган Қўшма Тартиб ҳамда Техник регламент лойиҳалари ишлаб чиқилган;

прокурор назоратининг тезкорлиги ва натижадорлигини оширишга қаратилган «Soliq-Nazorat» мобил иловасини жорий этиш ва ундан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқоти якунида шакллантирилган хулосалар, шунингдек, назарий қоидалар, қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсияларнинг ишончлилиги миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, расмий статистик ва эмпирик маълумотлар, шунингдек, социологик сўров натижаларига (*5151 нафар прокуратура ходимларининг фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилди*) асосланганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижалари апробациядан ўтказилиб, миллий ва хорижий илмий нашрларда эълон қилинган.

Бундан ташқари, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2023-2025 йиллар ва 2026 йилнинг 9 ойида Солиқ қўмитаси ва унинг тизимида қонунчилик ҳолати, Солиқ кодекси ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан ўтказилган 391 та текшириш, умумлаштириш ва таҳлил материаллари, шунингдек, улар натижасида қўлланилган 1 294 та прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган[1].

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот мобайнида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги «Тадбиркорлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2026 йил 5 октябрдаги 7-1196949/26-сонли хати ва Ягона ҳисобот порталидаги маълумотлар асосида ўрганилган.

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-184-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 21 июндаги «Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 282-сон ҳамда 2024 йил 9 февралдаги «Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида прокурор назорати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 293-сон буйруқларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси прокуратура ва давлат солиқ органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва бошқа олий юридик таълим ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида «Солиқ ҳуқуқи», «Прокурор назорати» модулларини илмий-назарий бойитишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганлиги учун белгиланган молиявий санкцияни бекор қилиш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги «Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-184-сон Фармони 1-бандининг «а» хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг 2025 йил 8 майдаги ЭҲ-02-20-243-сон далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши айнан битта қилмиш учун такрорий жавобгарликка тортишга йўл қўймаслик ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ҳимоясини тўлақонли таъминлашга хизмат қилган;

мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун бир қилмишга нисбатан молиявий ва маъмурий жавобгарлик чораларининг такроран қўлланилишини бартараф этиш мақсадида ушбу қилмиш учун назарда тутилган маъмурий жавобгарлик чораларини бекор қилиш лозимлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги «Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-184-сон Фармони 1-бандининг «б» хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг 2025 йил 8 майдаги ЭҲ-02-20-243-сон далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жавобгарлик нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш, бир қилмиш учун такрорий жавобгарликка тортиш ҳолатларининг олдини олиш

ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга хизмат қилган;

Бош прокуратуранинг Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида назорат бошқармасининг назорат ва ўзаро ҳамкорлик объектлари қаторига бозорлар ва савдо комплекслари, солиқ ҳамда молия органларини киритиш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2024 йил 9 февралдаги «Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида прокурор назорати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 293-сон буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 9 мартдаги 7/17-08-25-сон маълумотномаси*). Ушбу таклиф бошқарманинг назорат ва ўзаро ҳамкорлик объектларини унинг вазифа ва ваколатларига мувофиқ аниқ белгилаш ҳамда прокурор назоратини манзилли ташкил этишга хизмат қилган;

давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг устувор вазифалари, назорат объектлари, прокурор текширишига жалб этиладиган мутахассислар доираси ҳамда текширишда ўрганилиши лозим бўлган масалаларни белгилашга қаратилган илмий-услубий ёндашув «Qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati» дарслигида ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2025 йил 12 ноябрдаги № 9325-8169-1432-e07d-4709-3462-6621-сон рухсатномаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2026 йил 29 июлдаги 30/5-161119/26-сон далолатномаси*). Мазкур илмий-амалий тавсиялар прокурорларнинг солиқ соҳасида назоратни ташкил этиш ва текшириш ўтказиш бўйича амалий кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 8 та илмий мақола, шундан 6 та миллий ва 2 та хорижий журналларда, конференцияларда 7 та, шундан 3 та халқаро, 4 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари,

тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

**Диссертациянинг биринчи боби «Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, унда давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, объекти, предмети, мақсади ва вазифалари, мазкур назорат йўналишининг ҳуқуқий асослари ҳамда Ўзбекистонда давлат солиқ хизмати органларининг тарихий-тадрижий ривожланиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг «Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, объекти, предмети, мақсади ва вазифалари» деб номланган биринчи параграфида муаллиф прокурор назоратининг умумий назарий қоидаларини солиқ муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади. Тадқиқотчи бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг (*Б.Пўлатов, А.Комилов, О.Мадалиев, И.Джураев, У.Ахунов ва бошқалар*) прокурор назорати тушунчаси, мақсади ва вазифаларига оид илмий қарашларини ўрганиб, улардаги умумий жиҳат – қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат, деган хулосага келади. Шу билан бирга, тадқиқотчи давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини солиқ органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, давлатнинг қонуний молиявий манфаатлари ва солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умумий қонунийлик назоратининг солиқ органлари фаолиятига ихтисослашган йўналиши сифатида баҳолайди.

Диссертант прокурор назоратининг объекти ва предметига оид илмий қарашларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб, прокурор солиқ органлари фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини эмас, балки қонунийлигини баҳолаши лозим, деган хулосага келади. У прокурор назоратининг бевосита объектлари сифатида Солиқ қўмитаси, унинг ҳудудий ва ҳудудлараро органлари ҳамда мансабдор шахсларини кўрсатади. Назорат предметини мазкур органлар томонидан қонунчиликка риоя этилиши, қабул қилинган қарорлар, ҳаракатлар, ҳаракатсизлик ва ҳуқуқий аҳамиятга эга рақамли жараёнларнинг қонунийлиги ташкил этади. Диссертация тадқиқотининг объекти эса мазкур назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Диссертант солиқ назоратини солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини текширишга, идоравий назоратни солиқ органлари тизимидаги ички хизмат фаолиятини баҳолашга, прокурор назоратини эса солиқ органлари қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигининг қонунийлигини баҳолашга қаратилган фаолият сифатида фарқлайди. Бунда прокурор солиқ органларининг вазифа ва ваколатларини ўз зиммасига олмасдан, улар фаолиятининг қонунийлигини баҳолайди.

Бундан ташқари, мазкур соҳада прокурор назоратининг мақсадини солиқ маъмуриятчилигида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат бюджети манфаатлари билан солиқ тўловчилар ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, қонунбузилишларни бартараф этиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш

билан боғлайди. Вазифаларни эса умумий ва махсус турларга ажратиб, қонунийлик ҳолатини баҳолаш, қонунга зид қарор ва ҳаракатларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда солиқ соҳасига хос жараёнларда қонунийликни таъминлашдан иборат, деб ҳисоблайди.

Мазкур ёндашувнинг давоми сифатида диссертант «давлат солиқ хизмати» тушунчасини солиқ маъмуриятчилиги соҳасидаги давлат фаолиятини ифодаловчи кенг тушунча, «давлат солиқ хизмати органлари»ни эса ушбу фаолиятни қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширувчи органлар тизими сифатида фарқлайди.

Диссертант давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар тизимини илмий таҳлил қилади. Бу борада у Б.Пўлатов, О.Мадалиев, А.Остонов ва Д.Ибрагимов каби олимларнинг назарий қарашларини ўрганади ҳамда улар билан илмий баҳсга киришади. Муаллифнинг фикрига кўра, давлат солиқ хизмати органларида прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий таъминланиши норматив-ҳуқуқий асослар, ташкилий механизмлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзаро боғлиқлигида намоён бўлиши зарур.

Шунингдек, диссертант Ўзбекистонда солиқ органлари ва солиқ маъмуриятчилигининг тарихий ривожланишини Н.Обломуродов, Ф.Толипов, А.Жўраев, О.Мейлиев, Ғ.Сафаров, Б.Норматов ва А.Худаёровнинг илмий қарашлари ҳамда тарихий-ҳуқуқий манбалар асосида таҳлил қилади. Солиқ органларининг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, бўйсунуви ва ваколатларидаги ўзгаришларни мезон сифатида олган диссертант ривожланишни олтита босқичга: биринчи босқич (*1867-1917 йй*) – Россия империяси давридаги молия-солиқ бошқаруви; иккинчи босқич (*1918-1989 йй*) – совет молия тизимидаги солиқ маъмуриятчилиги; учинчи босқич (*1990-1997 йй*) – солиқ бошқарувининг алоҳида давлат тузилмаси сифатида шаклланиши; тўртинчи босқич (*1998-2009 йй*) – ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланиши; бешинчи босқич (*2010-2019 йй*) – назорат, профилактика ва хизмат кўрсатиш механизмларининг ривожланиши; олтинчи босқич (*2020 йилдан ҳозиргача*) – рақамли солиқ маъмуриятчилиги даврларига ажратган. Даврлаштириш орқали солиқ органлари ваколатларидаги ўзгаришларнинг прокурор назорати предмети ва уни ташкил этишга таъсири асосланади.

**Диссертациянинг иккинчи боби «Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати»** деб номланиб, унда солиқ қонунчилиги ижроси бўйича қонунийлик ҳолати ва тизимли муаммолар, прокурор назоратини ташкил этиш шакллари ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳамда прокурор назоратини амалга ошириш тартиби тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг «Ўзбекистонда давлат солиқ хизмати органларида солиқ қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати: қонунийлик ҳолати ва тизимли муаммолар» деб номланган биринчи параграфида муаллиф солиқ органлари фаолиятида қонунийлик аҳволи, прокурор текширувлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланаётган қонунбузилишлар, шунингдек солиқ маъмуриятчилиги ҳамда прокурор назорати самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммолар ҳақида сўз юритади.

Тадқиқотчи прокурор назорати самарадорлигини миқдорий кўрсаткичлар эмас, аввало якуний натижа асосида баҳолаш зарурлигини таъкидлайди. Шу асосда фаолиятнинг тизимли таҳлил ва режалаштириш асосида ташкил этилганлиги, қонунбузилишлар ўз вақтида аниқланиб тегишли ҳуқуқий баҳо берилганлиги, бузилган ҳуқуқлар ва давлатнинг қонуний манфаатлари амалда тикланганлиги, қонунбузилиш сабабларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар самарадорлиги ҳамда прокурор таъсир чораларининг қонунийлиги ва натижадорлигини асосий баҳолаш мезонлари сифатида белгилайди.

Диссертант прокурор текширувлари, суд амалиёти, солиқ органларига келиб тушган шикоятлар ва расмий статистик маълумотларни таҳлил қилиб, соҳада энг кўп учрайдиган қонунбузилишлар сифатида солиқ хавфини баҳолаш ва текширув объектларини танлаш, текширувларни ўтказиш тартибини бузиш, далилларни тўлиқ ўрганмасдан қарор қабул қилиш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларини таъминламаслик ҳамда ахборот тизимларига маълумотларни кечиктириб киритиш ҳолатларини аниқлаган.

Шунингдек, тадқиқотчи солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қаторига солиқ базаси ва ҳақиқий товар айланмасини тўлиқ аниқлаш механизмларининг етарли эмаслиги, хавф даражасига асосланган ҳолда текширув объектларини тўғри танламаслик, текширувларда далилларни тўлиқ ўрганмаслик, солиқ қарздорлигини ундириш самарадорлигининг пастлиги, ахборот тизимлари ўртасида интеграциянинг тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги ҳамда ички назоратдаги камчиликларни киритади. Хусусан, Хоразмда 467 та текширув далолатномаси ахборот тизимига киритилмаганлиги, Фарғонада ҳисобланган 1 трлн сўм қўшимча солиқ ва молиявий жариманинг атиги 4 фоизи ундирилганлиги, Сурхондарёда 94,6 млрд сўмлик сохта ҳисобварақ-фактуралар ва Бухорода электрон имзолардан фойдаланиб, 25 та сохта хат расмийлаштирилганлиги каби ҳолатларни аргумент сифатида келтиради.

Бундан ташқари, тадқиқотда давлат солиқ хизмати органларида солиқ қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар икки гуруҳга ажратилган. *Биринчи гуруҳга*: назоратни ташкил этиш ва режалаштиришда ягона ёндашувнинг шаклланмаганлиги, соҳавий тартиб ва намунавий текшириш дастурининг мавжуд эмаслиги, прокурорларнинг солиқ ва рақамли тизимлар бўйича ихтисослашуви етарли даражада эмаслиги, рақамли мониторинг ва автоматлаштирилган таҳлил имкониятларидан самарали фойдаланилмаслик ҳамда масъул идоралар билан ахборот тизимлари тўлиқ интеграция қилинмаганлиги, *иккинчи гуруҳ*га эса: солиқ текширувларининг қонунийлигини текширув тайинланишидан то якуний ижрогача яхлит баҳолаш амалиёти ва ягона услубий мезонларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек прокурор таъсир чораларининг якуний натижасини кузатишдаги узилишлар киритилган.

Соҳадаги ташкилий ва амалий муаммоларга оид хулосалар социологик сўров иштирокчиларининг баҳолари билан ҳам маълум даражада қўллаб-қувватланади. Жумладан, респондентларнинг деярли 30 фоизи прокурор назоратини етарли эмас ёки самарасиз деб, 67 фоизи эса қонунбузилишларни

ўз вақтида аниқлаш ва тўлиқ бартараф этиш имкониятларини етарли эмас деб баҳолаган.

«Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш шакллари ва уларни амалга ошириш механизмлари» номли параграфда диссертант назоратни ташкил этишни уни бевосита амалга оширишдан фарқ қилувчи жараён сифатида ўрганади. Ҳуқуқшунос олимларнинг (*Ф.Рахимов, В.Титова, Э.Хатов ва бошқалар*) қарашларига таянган ҳолда назоратни ташкил этишнинг тўрт шаклини тизимлаштиради. Уларнинг ҳар бири алоҳида вазифага эга бўлиб, ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шунга кўра, диссертант прокурор назоратини ташкил этишнинг тўрт шаклини вазифасига кўра фарқлайди: 1) ахборот-таҳлилий фаолият – қонунийлик ҳолати ва эҳтимолий хавфларни аниқлайди; 2) режалаштириш – назорат вазифалари, муддатлари ва устувор йўналишларни белгилайди; 3) ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви – ваколатли органлар маълумотларидан қонуний фойдаланишни таъминлайди; 4) ташкилий-услубий таъминлаш – ягона мезон ва амалий усулларни шакллантиради.

Солиқ соҳасида прокурор назоратини ягона соҳавий тартиб асосида ташкил этиш заруратини асослар экан, тадқиқотчи Россия Федерациясида солиқ соҳасида прокурор назоратини махсус идоравий ҳужжат асосида ташкил этиш тажрибасини ўрганиб, ушбу соҳада прокурор назоратининг мақсади, вазифалари, устувор йўналишлари, ахборот манбалари, текшириш босқичлари ва натижадорлик мезонларини ягона тартибда белгилаш зарур, деган хулосани илгари суради. Мазкур ёндашувнинг амалий натижаси сифатида тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги соҳавий буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, диссертант прокурор текширувига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, ҳуқуқий қарор қабул қилиш ва натижалар ижросини назорат қилиш масалаларини ҳам тадқиқ қилади. Бу масалада у ҳуқуқшунос олимларнинг (*И.Михеева, В.Ястребов, О.Коршунова, Р.Махьянова, Б.Пўлатов, А.Комилов, Н.Азизов*) қарашларини умумлаштириб, прокурор текширувининг самарадорлиги унинг асоси, предмети ва чегараларини аниқ белгилаш, зарур ахборотни олдиндан таҳлил қилиш ҳамда текшириш усулини назорат объекти хусусиятига мос танлашга боғлиқ, солиқ органларида барча ҳолатларга нисбатан бир хил текшириш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди.

Диссертант прокурор назоратини қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли фаолият, прокурор текширувини муайян ҳолатни белгиланган тартибда ўрганиш воситаси, масофавий мониторингни эса маълумотларни бевосита аралашувсиз таҳлил қилиш усули сифатида фарқлайди. Унинг таъкидлашича, мониторингда шаклланган хавф сигнали мустақил ҳуқуқий асос ҳисобланмайди, балки прокурор текширувини бошлаш учун қонуний асослар мавжудлигини баҳолашга хизмат қилади.

Диссертант давлат солиқ хизмати органларида прокурор назоратини бевосита амалга оширишнинг тўрт босқичли моделини таклиф этади. Хусусан, *тайёргарлик босқичида* текширишнинг асоси, предмети, чегаралари, ахборот

манбалари ва зарур мутахассислар белгиланади, *текшириш босқичида* ҳужжатлар, электрон маълумотлар, ҳисоб-китоблар ва мансабдор шахслар ҳаракатлари ўзаро солиштирилади, *қарор қабул қилиш босқичида* аниқланган фактларга ҳуқуқий баҳо берилиб, тегишли прокурор таъсир чораси танланади ҳамда *ижрони назорат қилиш босқичида* қонунбузарликнинг бартараф этилганлиги, уни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларга таъсир кўрсатилганлиги ҳамда бузилган ҳуқуқларнинг амалда тикланганлиги баҳоланади.

Тадқиқотчи текширувларни манзилли ва ягона услубий ёндашув асосида ўтказиш мақсадида назорат объектининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларидан келиб чиқиб ўрганиладиган масалалар, ахборот манбалари, жалб этиладиган мутахассислар ҳамда текшириш ҳаракатларини белгилаб берувчи Намунавий текшириш дастурини ишлаб чиққан.

**Диссертациянинг учинчи боби «Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш масалалари»** деб номланиб, унда хорижий мамлакатларда прокуратуранинг солиқ муносабатларидаги иштироки, назорат моделлари, шунингдек рақамли технологиялар асосида прокурор назоратини такомиллаштириш истиқболлари ёритилган.

Тадқиқотчи хорижий давлатларда прокуратуранинг солиқ соҳасидаги иштироки ва назорат механизмларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб, ўрганилган мамлакатларни тарихий-минтақавий хусусиятларига кўра учта гуруҳга ажратади: постсовет макони давлатлари (*Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон*), Ғарбий Европа давлатлари (*Германия ва Франция*) ҳамда Осиё (*Хитой*) давлатлари. Мазкур гуруҳлар доирасида прокурор аралашувининг ҳуқуқий асослари, назорат предмети, ваколатлар доираси ва таъсир механизмларига кўра бешта функционал-ҳуқуқий модель ажратилади. Диссертант хорижий тажрибани тўғридан-тўғри эмас, балки унинг самарали жиҳатларини миллий ҳуқуқ тизимига мослаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Диссертант Россияда солиқ соҳасида прокурор назоратининг махсус соҳавий тартибга солиниши, Қозоғистонда текширувларни электрон рўйхатга олиш ва «Qamqor» ахборот сервиси орқали уларнинг қонунийлигини кузатиш имкониятларини миллий амалиёт учун аҳамиятли қиёсий мисоллар сифатида баҳолайди. Шунингдек, Хитойда қонунчиликда белгиланган соҳаларда жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга оид маъмурий даъво институти, Германияда солиқ жиноятлари бўйича молия органлари ва прокуратура ваколатларининг тақсимланиши ҳамда Францияда жиноят аломатлари мавжуд материалларни прокуратурага юбориш тартиби таҳлил қилинади. Мазкур тажрибалар асосида диссертант солиқ органлари ва прокуратура ваколатларини аниқ чегаралаш, материалларни тегишли органларга белгиланган тартибда юбориш ва идоралараро ахборот алмашинувининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруратини асослайди.

Диссертант мазкур механизмларни Ўзбекистондаги прокурор назоратининг бевосита муқобили сифатида эмас, балки ваколатларни тақсимлаш, назоратни ташкил этиш ва ахборот алмашинувини такомиллаштириш нуқтаи назаридан баҳолайди.

Диссертант давлат солиқ хизмати органларида прокурор назоратига рақамли технологияларни жорий этиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратади. Миллий олимлар М.Мамасиддиқов, М.Бобоев, А.Маҳмудов, И.Джураев, А.Комилов, Ш.Шайзаков ва Ш.Жумаев ҳамда хорижий тадқиқотчилар E.Bassey, E.Mulligan, A.Ojo, E.Guglyuvatyy ва L.A.Malvárez Pascualнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш, автоматлаштирилган таҳлил ва шахс ҳуқуқларини таъминлашга оид қарашларини умумлаштириб, «рақамли прокурор назорати»ни янги мустақил назорат тури эмас, балки маълумотларни бирлаштириш ва сунъий интеллект ёрдамида ҳуқуқий хавфларни дастлабки аниқлашга хизмат қилувчи ахборот-таҳлилий механизм сифатида таърифлайди.

Тадқиқотнинг муҳим амалий натижаси сифатида «Raqamli prokuror» ахборот тизимлари таркибидаги «E-nazorat» тизимида «Soliq sohasida raqamli prokuror nazorati» махсус модулини жорий этиш таклиф қилинган. Мазкур модул «E-ma’muriy ish», «E-material», «Soliq tekshiruvlari», «Elektron hujjat almashish tizimi» ва Солиқ қўмитасининг бошқа ахборот ресурсларидан маълумотларни автоматик олиш, ўзаро боғлаш ва солиштириш, уларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш йўли билан муддатларнинг бузилиши, маълумотлар ўртасидаги тафовутлар ва бошқа ҳуқуқий хавфларни аниқлаб, прокурорга хавф сигнали шаклида тақдим этишга мўлжалланган. Ушбу модулни назорат амалиётига жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва техник асосларини таъминлаш мақсадида тадқиқотчи Бош прокуратура ва Солиқ қўмитасининг «Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан рақамли прокурор назоратини амалга ошириш ва ахборот алмашинуви тўғрисида»ги Қўшма Тартиби ҳамда Техник регламент лойиҳаларини ишлаб чиққан.

Бундан ташқари, тадқиқотнинг алоҳида амалий аҳамиятга эга бўлган инновацион таклифи сифатида «Soliq sohasida raqamli prokuror nazorati» махсус модули имкониятларини прокурорнинг бевосита назорат объектидаги фаолияти билан уйғунлаштирувчи «Soliq-Nazorat» мобил иловасини жорий этиш таклифи илгари сурилган. Мазкур илова прокурорга модулда шаклланган маълумотлар ва хавф сигналларидан жойнинг ўзида фойдаланиш, зарур ахборотни тезкор текшириш ва қайд этиш, ҳужжатларни сунъий интеллект ёрдамида дастлабки таҳлил қилиш имконини бериб, прокурор назоратининг тезкорлиги, манзиллилиги ва амалий самарадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланган.

## ХУЛОСА

«Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация якуни бўйича назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга қуйидаги хулосаларга келинди:

### I. Илмий-назарий хулосалар:

**1.** Илмий ишда давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига оид категориялар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, қуйидаги муаллифлик таърифлари шакллантирилди:

«*Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати* – прокуратура органларига қонун билан берилган ваколатлар доирасида солиқ органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунчиликка риоя этилиши, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳаракатлар ва ҳаракатсизликнинг қонунийлиги ҳамда солиқ тўловчилар ҳуқуқлари таъминланишини баҳолашга қаратилган умумий қонунийлик назоратининг соҳавий йўналишидир»;

*«Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади* – солиқ маъмуриятчилигида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва солиқ тўловчиларнинг қонуний манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлаш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш, *вазифалари* – соҳадаги аҳволни баҳолаш, қонунбузилишларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда солиқ соҳасига хос ҳуқуқий муносабатларда қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади».

**2.** Давлат солиқ хизмати органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг бевосита *объекти*ни Солиқ қўмитаси, унинг ҳудудий ва ҳудудлараро органлари ҳамда мансабдор шахслари ташкил этиши асослантирилди. Назорат *предмети* эса мазкур органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонунчилик талабларига риоя этилиши, улар қабул қилган қарорлар, амалга оширган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг моддий ва процессуал қонунчиликка мувофиқлиги, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши билан белгиланиши аниқлаштирилди.

**3.** Давлат солиқ хизмати органларида прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий таъминланиши норматив-ҳуқуқий асослар, ташкилий механизмлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзаро боғлиқлигида намоён бўлиши асосланди. Бунда норматив-ҳуқуқий асослар прокурор ваколати, уни амалга ошириш тартиби ва ҳуқуқий чекловларни, ташкилий механизмлар вазифалар тақсимоти, ахборот алмашинуви ва назоратни ташкил этиш тартибини, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эса суд қарорлари, мурожаатлар ва прокурор назорати натижаларини қамраб олади.

**4.** Ўзбекистонда солиқ органлари ва солиқ маъмуриятчилиги ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, бўйсунуви, ваколатлари ва назорат усуллари асосида олтита тарихий босқичга: *Россия империяси давридаги молия-солиқ бошқаруви даври* (1867-1917 йй.), *совет молия тизимидаги солиқ маъмуриятчилиги даври* (1918-1989 йй.), *солиқ бошқарувининг алоҳида давлат тузилмаси сифатида шаклланиши даври* (1990-1997 йй.), *ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш даври* (1998-2009 йй.), *назорат, профилактика ва хизмат кўрсатиш механизмларининг ривожланиши даври* (2010-2019 йй.), *рақамли солиқ маъмуриятчилиги даврига* (2020 йилдан ҳозирги кунга қадар) ажратилди. Мазкур даврлаштириш солиқ органларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларидаги ўзгаришларни прокурор назорати предмети ва ташкилий устуворликлари билан боғлаш имконини берди.

